

**Моҳигул ҚОСИМОВА**

**БАХТ ОҒУШИ**

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2006

**Бахтнинг манзили кимгадир яқин, ким учундир олис. Олис манзилга етиб боргунга қадар соғинч, фироқ бекатларини босиб ўтиш лозим. Охирги бекат - дийдор - бу баҳт манзилидир.**


**Моҳигул Қосимованинг ушбу мўъжаз мажмуасида она Ватан, Истиқлол, қишлоқ соғинчи, она меҳри ўзгача муҳаббат, баҳт оҳангига қоришиқ ҳолда тараннум этилган.**

NATLIB.UZ

32956  
10  
Og,

К 4702620202-24 24-2006 М.Қосимова, 2006 й,  
376(06)2006

ISBN 5-7323-0510-8



## **ОНАЖОНИМСАН, ВАТАН**

Панохим, саждагоҳим,  
Сенсан гўзал Ватаним.  
Мехрибон, жонажоним,  
Онажонимсан, Ватан.

Сенинг азиз номингни,  
Севиб тилга олурман.  
Гўзал кўркингга боқиб,  
Кўшик, шеърлар битурман.

## **ВАТАН ТУЙГУСИ**

Гарчи истасамда унотолмасам,  
Шодлигим барибир қайғу бўлғуси.  
Сен томон ошиқсам, лек етолмасам,  
Куяр дил шумикан Ватан туйғуси?

Ўзимни бахтиёр кўрмоқ истайман,  
Унингсиз тарқамас қалбим қайғуси.  
Бу қандай ҳиссиёт экан, билмайман,  
Балки, шумикан Ватан туйғуси?

Ёдимдан кетмагай туғилган жойим,  
Онамнинг дуоси, синглим кулгуси.  
Мехрибон одамлар мен билан доим,  
Мен билан биргадир Ватан туйғуси.

У менинг буюк бойлигим эрур,  
Ҳам севгим, юпанчим, қалбим ойнаси.  
Фахримдир, ғурурим, қалбдаги сурур,  
Мени инсон этган Ватан туйғуси.

## **МУСТАҚИЛЛИК**

Юртимга озодлик келтирган ўзинг,  
Қалбларда мангудир истиқлол сўзинг.  
Мадҳингга шеър битгай ўғил ва қизинг,  
Бахтим камолисан эй, Мустақиллик,  
Кўнгил жамолисан эй, Мустақиллик.

Бир ёнда ҳилпирав юртим байроғи,  
Герб бизга азиздир, кўзим қароғи.  
Таърифин сўзласанг йўқдир адоги,  
Бахтим камолисан эй, Мустақиллик,  
Кўнгил жамолисан эй, Мустақиллик.

Жажжи болакай ҳам истиқлол дегай,  
Боболар, момолар дуосин бергай.  
Ёшларинг юртим деб кўксини кергай,  
Бахтим камолисан эй, Мустақиллик,  
Юртим жамолисан эй, Мустақиллик.

\*\*\*

Мустақиллик оқ кабутардир,  
Парвозига ҳасад қилар ким?  
Faюр балки қафас тутадир,  
Йўлларига банд қўяр балким.  
Мустақиллик - жажжи чақалоқ,  
У ҳам албат улғаяр бир кун.  
Аммо ўша жажжи гўдақдан,  
Завқ олади ўзгача ҳар ким.  
Мустақиллик - чеки йўқ уммон,  
Сузавергин баҳт оғушида.  
Фақат дўстим, ёмон инсоннинг,  
Ёвузликлар бордир ичидা.  
Мустақиллик - ҳурлик, озодлик,  
Оҳ, нақадар жозибадорсан.  
Сен қалбларни тўлдирган шодлик,  
Ўғил-қизга фурур ва орсан.

## **БАХТ**

Дунёда тинчлик бўлса,  
Қалбимиз завққа тўлса.  
Куёш чарақлаб турса,  
Бундан ортиқ баҳт борми?!

Ватанни куйга қўшиб,  
Куйласак гўзал қўшиқ.  
Ўйнасак жўшиб-жўшиб,  
Бундан ортиқ баҳт борми?!

Истиқлолни куйласак,  
Яхшиликни ўйласак.  
Орзулардан сўйласак,  
Бундан ортиқ баҳт борми?!

## **ОРЗУ, СЕН БЎЛМАСАНГ...**

Орзу, сен бўлмасанг яшолмайман мен,  
Ҳаёт сўқмоқларидан ошолмасдим мен.  
Денгиздек мавжланиб тошолмасдим мен,  
Орзу, сен бўлмасанг яшолмасдим мен.

Сен дилни ёқгувчи гулхан, оловсан,  
Сафарга отлансан ишон, яловсан.  
Армонли қалбимни ёққан қаловсан,  
Орзу, сен бўлмасанг яшолмасдим мен.

Қалбимнинг тўрида ўзинг порлайсан,  
Учақол, уч, дея қанот боғлайсан.  
Эзгу амалларга мағрур чорлайсан,  
Орзу, сен бўлмасанг яшолмасдим мен.

## **ОНА СӨГИНЧИ**

Онажон, меҳр булоғимисиз,  
Ёазим дунёнинг гулбоғимисиз,  
Сара туйғуларим ўчоғимисиз,  
Сиз томон не учун талпинар дилим?

Мен учун томчимас, денгиз ўзингиз,  
Қүёш нурларига тенгсиз ўзингиз,  
Дунё кучоғидай кенгсиз ўзингиз,  
Онажон, сиз томон талпинур дилим.

Ҳар бир нафасимисиз, ҳайтим менинг,  
Куйлаган куйим-у, баётим менинг,  
Суянган суянчим - нажотим менинг,  
Онажон, сиз томон талпинур дилим.

Кўзлари йўлимга нигоронгинам,  
Атрофимда капалак - гирёнагинам,  
Кибру-ҳаволардан бегонагинам,  
Ҳар лаҳза сиз томон талпинур дилим.

Ҳайтим, жоним-ла гулдек асрайнин,  
Кўзимга тўтиё нурдек асрайнин,  
Фотима онасиш, улдек асрайнин,  
Онажон, сиз томон талпинар дилим.

## ОНАМГА

Онажон, бу кун бардош йўқ менда,  
Сиздан олисларда яшамоқ учун.  
Бир учқун аланга олажак дилда,  
Ўтингчим, қизингиз бир бора қучинг.

Онажон, меҳрингиз қўмсаб гоҳида,  
Телбадек юлдузга айтаман дардим.  
Ҳатто юлдузларнинг минг бир оҳида,  
Бунчалик соғинчни сезмади қалбим.

Соғинч исканжага олажак яна,  
Мурувват кўрсатмоқ истамагай ҳам.  
Ёлғизлик куйини чалиб мардона,  
Ғаму андуҳларин ёғдирар олам.

Майли, мен чидайман бунинг барига,  
Ҳаёт ҳам ҳақорат этаверсин кўп.  
Бир куни бораман онам бағрига,  
Ҳозирча мен унга ёзаман мактуб.

Ҳозирча яшайман орзулаrim-ла,  
Баъзида аламдан куйлайман қўшиқ.  
Ўтмишим қолажак қайғуларимда,  
Энди бўлолмагай ҳаёт ҳам тўsicк.

Ҳамманинг қўлида даста-даста гул,  
Барчаси кутламоқ истар онасин.  
Мен эса айрилиқ домига маҳкум,  
Онам ҳам кутади ожиз боласин.

Қўшиқлар янграгай шодлик ўртада,  
Кувончдан ҳаприқиб тошади диллар.  
Қашқадарё деган олис ўлкага,  
Менинг саломимни етказинг, йиллар.

Күкдаги юлдуз ҳам чаңнагай нурсиз,  
Титроқ күллари-ла битажак ашъор.  
Менинг тилагимни эшитиб юлдуз,  
Үтинчим, онамни қутлаб қўй бир бор.

Она жон, биз яна бирга бўламиз,  
Күкдаги юлдуз ҳам қилажак ҳавас.  
Сизни мадҳ этмоққа тилларим ожиз,  
Она жон, баҳтимга соғ юрсангиз бас.

### **ҚИШЛОҒИМНИ СОҒИНИБ**

Кенг яёв даштларни соғиниб зор-зор,  
Ҳар чоқ қучоғингга талпинар дилим.  
Сенинг таърифингни қилмоққа бир бор,  
Қанча интилсамда ожиздир тилим.

Кўркам боғларингда сайрап булбуллар,  
Ариқларда оқар тиник зилол сув.  
Гуллар ифоридан яйрап кўнгиллар,  
Қишлоғим қизлари барчадан сулув.

Она қишлоғим дея фахр этарман,  
Фарзандлари ботир, ўткирdir зехни.  
Сенга атаб шеърлар битарман,  
Мен учун муқаддас қишлоғим меҳри.

Лойли кўчаларинг соғиниб зор-зор,  
Бепоён бағрингга талпинур дилим.  
Қишлоғим, мадҳингни куйлагум минг бор,  
Минг бора номингни такрорлар тилим.

## **НОМИНГИЗ АБАДИЙ**

**Сариосиёда халок бўлганлар хотирасига**

Ўзбекистон обод бўлсин дедингиз,  
Ватанга жонингиз фидо қилдингиз,  
Ватанпарвар жасур йигит бўлдингиз,  
Номингиз абадий яшар Ватанда.

Бу фақат мардларга хос хислат эрур,  
Бизлар, сизлар билан қиласиз ғурур.  
Энди тинч, кўрқмасдан яшаймиз мағрур,  
Номингиз абадий яшар Ватанда.

Эрта сўнган ёруғ юлдуз бўлдингиз,  
Ким билади неча ёшга кирдингиз,  
Ёш ниҳолдек жуда эрта сўлдингиз,  
Номингиз абадий яшар Ватанда.

Ҳатто эзилган-ку Бобурдек аждод,  
Ботирлик аслида йигитларга ёд,  
Сизни унутмайди келажак авлод,  
Номингиз абадий яшар Ватанда.

## **ЮЛДУЗ**

Хайрат денгизига чўмди болалик,  
Нурли из қолдириб учсанг гар бир ён.  
Гўё қўшни боқقا бизни қидириб,  
Ўтгандай бўлардинг, ишондим ҳар он.

Садоқат туйғуси тарқ этмас мени,  
Сени мадҳ этмади қанча-қанча сўз.  
Менинг ҳам умидим сен каби порлоқ,  
Юртим осмонида яшнаган юлдуз.

Илк бора кўрганда сени ўйладим,  
Мусаффо осмонда учган бир қушча.  
Мендан жуда-жуда йироқда эдинг,  
Нурлари зулматни ёқкан юлдузча

## **АБДУЛЛАТИФГА ДЕГАНЛАРИМ**

Темурнинг руҳини бузовта қилдинг,  
Бечора онангнинг бағрини тилдинг.  
Тахт учун чин дилдан шимариб сен енг,  
Душманни ўзингга дўст дея билдинг.

Ёмонлик тошини отди одамлар,  
“Эҳ, сендеқ ўғилга лаънат”, дедилар.  
Оллоҳдан инсоф сўрар, бибим, момомлар,  
Падаринг ҳолини ўлади шомлар.

Ахир сиз ёмонни яхши биласиз,  
Нечун улуғ зотга душман бўласиз?  
Қаҳратонда ўсган гулдек сўласиз,  
Энди Самарқандда қандай юрасиз?

## **ЯНГИ ЙИЛ**

Янги йил, янги ой, янги орзумиз,  
Янги баҳт, янги тахт, янги қувончим.  
Янги йил, янги кун, янги ўз сўзим,  
Янгича келажак, янги күёшим.

Янги йил уйимга бўласан мәҳмон,  
Ўртада туради яшил арчамиш.  
Шодлигим чеки йўқ, ўйнаймиз шодон,  
Севиниб куйлаймиз сени барчамиш.

Сен билан хайрлашиб фурсати етди,  
Омадли йил бўлсин янги йилимиз.  
Вафосиз бу йил ҳам ташлади-кетди,  
Янгича қувончга тўлсин дилимиз.

## **БАХОР КЕЛИБДИ**

Оппок қор тагида бир гул унибди,  
Сайроқи күшлар ҳам буни билибди.  
Бу баҳор ҳавоси, байрам навоси,  
Дўстларим, юртимга баҳор келибди.

Кир-адир, яйловлар гўзал бўлибди,  
Анхорлар зилолдек сувга тўлибди.  
Лолалар баҳорни байрам қилибди,  
Мисоли келинчак баҳор келибди.

Юр энди, баҳорга чиқайлик пешвоз,  
Қарагин, булбуллар куйлар хушовоз.  
Кўнгилдан ўчириб қиш озорини,  
Баҳорга атайлик дилда борини.

## **НАВРЎЗ КЕЛАР**

Офтоб кулиб чиққанда,  
Дала-даштга ёққанда,  
Шарқираб сув окқанда,  
Наврўз келар юртимга.  
Күшлар қилғанда хониш,  
Далада бошланар иш,  
Фунча очилса қизғиши,  
Наврўз келар юртимга.  
Пиширилса сумалак,  
Эриб кетса яхмалак,  
Қизлар такса жамалак,  
Наврўз келар юртимга.  
Қизлар лапар айтганда,  
Юртга баҳор қайтганда,  
Қуёш нурин сочганда,  
Наврўз келар юртимга.

Үйнасак биз болалар,  
Тоғда ўсса лолалар,  
Сомса ёпса оналар,  
Наврӯз келар юртимга.

## ЁМФИР

Оlam губорин ювмоқقا шайдир,  
Йиғлагай балким, жони-да оғрир.  
Телбадек нотаниш жойларда дайдир,  
Ёғади, ёғади, ёғади ёмғир...

Бирорнинг сирини этганича фош,  
Ўзи мароқ билан шивирлар қўшик.  
Бечора чидолмай тўkkанича ёш.  
Ёғади, ёғади, ёғади ёмғир...

Кимгадир гулдаста тутганда баҳор,  
Ул секин дуторин чала бошлайди.  
Қайгадир шошиб оққанда анҳор,  
Ёмғир томчиларин аста ташлайди.

Чархнинг гардишидан ўтолмагандек,  
Инсоннинг яхиси, ёмони бордир.  
Бир зумда кўтариб шовқин, тўполон,  
Ёғади, ёғади, ёғади ёмғир...

Чизмок истагайдир олам суратин,  
Билмадим, не керак унга бу сурат.  
Кўз-кўз қилганича ушбу хислатин,  
Ёғади, ёғади, ёғади ёмғир...

Қуёш табассумни канда қилмайди,  
Оламни тўлдирад яна чиройга.  
Ўйнайди, куйлади сира тинмайди,  
Ёғади, ёғади, ёғади ёмғир...

Ҳаёт абадиймас, тугайди бир кун,  
Кўз ёшсиз кўзлар ҳам йиглайди ахир.  
Бу дунё уйида меҳмондирмиэким,  
Кўз ёшин артганча тинади ёмғир,

Тинади, тинади, тинади ёмғир.

## ХАЁЛ

Хаёл,  
Алдамчи хаёл.  
Осмонларга учамиз девдинг,  
Булутларни қучамиз девдинг,  
Сўнг иккимиз ёлғиз қолганда,  
Ишқ шаробин ичамиз девдинг.

Хаёл,  
Эй ширин хаёл.  
Менга эрмак битта сен эдинг,  
Бирозгина умид ҳам бердинг,  
Энди секин қучмоқчи бўлсам,  
Ўз бошингни ўзгинанг единг.

Хаёл,  
Адашган хаёл.  
Орзуларим бепичоқ сўйдинг,  
Ахволимга на ачиндинг, на куйдинг,  
Уммонингга ғарқ қилиб секин,  
Ўшал замон хатоликка йўл қўйдинг.

Хаёл,  
Бевафогинам,  
Ўйламабман ташлаб кетишинг.  
Ёлғон экан шеърлар битишинг,  
Асли сенга мен эрмак эдим,  
Энди гумон экан қайтишинг.

Хаёл,  
Саргардонгинам,  
Не юртларни кезмадинг-а сен,  
Алдаганим сезмадинг-а сен,  
Ҳақиқатни билсангда ҳамон,  
Умидингни узмадинг-а сен.

Хаёл,  
Дугонагинам.  
Икки телба, икки Лайлимиз,  
Иккимиз ҳам бирдек дайдимиз,  
Ёлғон эди битта айбимиз.

Хаёл,  
Собик дугонагинам,  
Хаёл,  
Энди бегонагинам.

### **ЮРАГИМ**

Жафокаш дўстимсан, митти юрагим,  
Кўнгил уйи дерлар сени яхшилар.  
Шеърларим ҳам сенда туғилар балки,  
Сенга ошно эрур, билдим, баҳшилар.

Кун бўйи ҳамроҳим бўлар шиддатинг,  
Гоҳ ғамгин, гоҳида ғайратланар тан.  
Эзгу амалларга интилсанг ҳар дам,  
Сен билан фахрга чулғанар Ватан.

## **МУНДАРИЖА**

Она жонимсан, Ватан.....	3
Ватан түйфуси.....	3
Мустақиллик.....	4
“Мустақиллик оқ кабутардир..” .....	4
Бахт.....	5
Орзу, сен бўлмасанг.....	5
Она соғинчи.....	6
Онамга.....	7
Кишлоғимни соғиниб.....	8
Номингиз абадий.....	9
Юлдуз.....	9
Абдуллатифга деганларим.....	10
Янги йил.....	10
Баҳор келибди.....	11
Наврӯз келар.....	11
Ёмғир.....	12
Хаёл.....	13
Юрагим .....	14

**АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР**

**ҚОСИМОВА МОҲИГУЛ**

**БАХТ ОҒУШИ**

Шеърлар

Мухаррир: З.Омонова.  
Техник мухаррир: Ч.Рахмонов.  
Мусаҳих: З.Очилова.  
Бадиий безоғчи: Ж.Норқобилов.

ИБ 1025

Теришга 24.05. 2006 йилда берилди. Босишга 2.06. 2006  
йилда руҳсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . Шартли босма  
тобоги 0,84. Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма  
тобоги 0,58 . 29- 2006-шартнома. 82з-буюртма. 100  
нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-үй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси  
«Матбаа» цехида чоп этилди.

730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-үй.